

Янгиланаётган Хоразм йўллари



Бугунги кунда Хоразм вилоятидаги йўл хўжалиги корхоналарига қаршли жами 2210 км умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан 113 км - халқаро, 706 км - давлат ва 1391 км - маҳаллий аҳамиятдаги йўллар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 14 февралдаги "2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида фақат минтақавий эмас, балки умумий фойдаланувда бўлган автомобиль йўллари ҳам қуриш ва тубдан таъмирлашнинг 2017-2018 йилларга мўлжалланган янгиланган дастури ҳам тасдиқланган.



Ушбу қарор ижроси юзасидан айни кунда Хоразм вилоятидаги автомобиль йўллари ҳам қайта қурилиб, жорий таъмирдан чиқарилмоқда.

Жумладан, вилоятдаги 4р161 "Урганч ш. - Чолиш к. - Беруний ш." йўлининг Амударё устидаги кўприкнинг кириш-чиқиш йўллари қуриш, 4р157 "Урганч ш. - Янгиариқ ш." автомобиль йўлининг 0-8 км қисмини қайта қуриш, давлат аҳамиятида бўлган - 4р156

"Урганч-Хонқа-Ҳазорасп-Тошсақа оркали-Амударё" автомобиль йўлининг 50-62 км қисмини, 4р158 "Урганч-Хива" автомобиль йўлининг 13-20 км қисмини, 4р160 "Урганч-Гурлан-Манғит-Туркманистон чегараси" автомобиль йўлининг 0-5 км қисмини ва 4р162 "Урганч айланма йўли" автомобиль йўлининг 3-6 км қисмини тўла таъмирлаш ишлари бўйича ишлар давом этмоқда.



Вилоят Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси бош муҳандиси А.Қурбонбоевнинг маълумот беришича, Урганч шаҳридаги "Саёт", "Хонқа", "Тинчлик", "Амударё", Шерозий ва Гофур Гулом кўчаларидаги тўла таъмирлаш, Ал-Хоразмий ва Беруний кўчалари оралиғи ҳамда Хива шаҳрининг марказий кўчалари янгидан қурилиши, Шовот туманидаги К.Отаниёзов ва Жалололдин Мангуберди кўчаларида жорий таъмирлаш ишлари бажарилиб, натижада таъмирланган ва янгидан қурилган кўчалар узунлиги 10 км га яқинлашди.



Юқоридагилардан ташқари 2017 йилнинг 9 ойлик яқунларига кўра, вилоятдаги 147,2 км ички йўллар ҳам таъмирланди.

Автомобиль йўллари давлат кўмитаси

матбуот хизмати